2006 ЙИЛ, 26 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 80 (10.637) Баҳоси эркин нархда

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 25 апрель куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев рафиқаси билан кутиб олди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 26 апрель куни бўлиб ўтади.Икки давлат расмий делегациялари Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашадилар, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган тадбир тараққиётга таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** «Шератон» меҳмонхонасида ўтказилган акушер- гинекологларнинг анжуманида ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг муҳим омиллари ҳақида сўз борди.

● **КЕЧА** Тошкент тиббиёт академиясида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликларида уюштирилган хайрия тадбири «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» деб номланди.

● **КЕЧА** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар» мавзуида уюштирилган илмий-амалий анжуманда тилшунос олимлар иштирок этишди.

● **КЕЧАДАН** шаҳримизда Ҳинд кино санъати кунлари бошланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Кўзи ожизлар жамияти ташаббуси билан халқ таълими соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган анжуман кўзи ожизларни ўқитишда юзага келаётган муаммолар ҳамда бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туманидаги «Довон» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Терроризм ва ақидапарастликка қарши кураш» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Фестиваллар

МАМЛАКАТИМИЗДА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЁН ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ



КЕЧА пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида карнай-сурнай садолари янграб ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига чорлади. Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан «Она диёр оҳанглари» мавзуида миллий спорт ва ҳаваскор жамоалар ёш ижодкорлари фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчи жамоаларнинг паради билан бошланди. Фестивалнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тоҳиров сўзга чиқиб, фестиваль иштирокчиларини муборакбод этди, уларнинг келгусида ўзбек миллий санъати довруғини кенг ёйишда муносиб ҳисса қўшишларига тилак билдирди. Икки кун давом этадиган мазкур фестивалда шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги маданият уйлари, мусиқа ва санъат мактаблари,Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бадиий ҳаваскор жамоалари тасдиқланган дастур асосида иштирок этадилар. Дастурдан миллий спорт турлари, карнай-сурнай, доирачилар дасталари, анъанавий ижрочилик ансамбллари, мақом ижрочилиги, эстрада вокаль чолғу дастаси, қўшиқчилик санъати, миллий ва хорижий рақс санъати, болалар эстрада ашула ва рақс дасталари, фольклор дасталари (халқ театрлари, қўғирчоқ ва миниатюра театрлари)нинг чиқишлари ўрин олган бўлиб, у нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳолаб борилади. Фестиваль доирасида тасвирий санъат ва наққошлик, ҳунармандчилик ва каштачилик,бадиий ҳаваскор дасталар либослари кўргазмалари намойиш этилди.

— «Она диёр оҳанглари» ёш ижодкорлар фестивали миллий қадриятларимизни тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган маънавий ва маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, миллий спорт турлари ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ўзига хос ва ихтиёрий кўргазмали чиқишлари асосида ўтказилмоқда,— дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Равшан Шамсиев. — Фестивални ўтказишдан мақсад юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятини ҳаётий мисоллар билан очиб бериш, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо ёдгорликлари ва меросларидан оқилона фойдаланиш, ўзига хос миллий спорт турлари воситасида соғлом турмуш тарзини омма орасида тарғиб қилиш ҳамда республикамизда миллий ва оилавий спорт турлари, бадиий- ҳаваскорлик жамоаларининг нуфузини оширишдан иборатдир.



БУГУН мазкур фестиваль Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида давом этмоқда. Боғларимизга файз киритиб янграган она диёр оҳанглари, дилни мафтун этувчи қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, миллий спорт ўйинлари фестивалга йиғилган ҳамшаҳарларимиз қалбига бир олам хуш кайфият бахш этмоқда. Фестиваль якунида иштирокчилар номинациялар бўйича Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари ҳамда Ғран при билан тақдирланадилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Она диёр оҳанглари» ёш ижодкорлар фестивалидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Маҳалланг — ота-онанг

ЭНГ МУНОСИБ ОҚСОҚОЛ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАР САЙЛАНАДИ

«Тошкент» телерадиоканали ва «Оқшом» газеталари ҳамкорлигидаги давра суҳбати



МАЪЛУМКИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН ҲИСОБЛАНИБ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР. ШУ МАЪНОДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЮРТИМИЗДА БУ ЖАРАЁН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲИСОБЛАНГАН ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ХУСУСАН, МАЗКУР САЙЛОВ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИЧА МАЗМУН БИЛАН БОЙИТАДИ. САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШГА ЭСА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ, «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАР ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорларига мувофиқ мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хабар бериб ўтганимиздек, «Ойнаи жаҳон»нинг «Тошкент» телерадиоканалида ҳам «Оқшом» газеталари билан ҳамкорликда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда соҳа мутасаддилари, мутахассислар, маҳалла оқсоқоллари ва ҳуқуқшунослар иштирок этиб, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш, унинг мазмун-моҳияти ва бу жараёнда асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлиги, фуқаролар йиғини раислигига номзодларни кўрсатиш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар ва таклиф-истакларни билдирдилар.

(Давоми 3-бетда)

ДИҚҚАТ, БЕВОСИТА МУЛОҚОТ!

Ҳурматли газетхонлар! Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг май-июнь ойларида республикамиз бўйича ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади.

Ҳар биримиз инсонларни ҳамжиҳатлик ила бирлаштирувчи ноёб тузилма ҳисобланмиш маҳаллага бевосита дахлдормиз. Бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш даврида маҳаллага жуда катта имконият ва ваколатлар берилгани яхши маълум. Дарҳақиқат, маҳалла деганда биз аввалambор инсонларни бирлаштириб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ҳал этишга қодир жамоани тасаввур қиламиз. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови каби воқеадан ҳеч биримиз, шубҳасиз, четда турмаслигимиз лозимдир. Маҳалла бошида ким бўлишга лойиқ? Келгуси икки ярим йил ичида умумий муаммоларимизни ким билан ҳал этамиз? Сайлов кампанияси қандай ўтади? Сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат? Ҳурматли газетхонлар, сайловга ва умуман маҳаллага оид барча саволларингизга Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси **Мирзаюсуф Рустамбоев** ва «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси **Раҳимжон Нодиров** билан бўладиган тўғридан-тўғри мулоқот давомида жавоб олишингиз мумкин.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти томонидан «Пойтахт» радиоси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилаётган **бевосита мулоқот 2006 йил 28 апрель куни соат 15.00 дан 17.00 гача 139-05-48, 139-05-68 ва 133-13-21 телефонлари** орқали ўтказилади. Саволларингизни олдиндан 136-53-10 ҳамда қайд этилган телефонлар бўйича соат 9.00 дан 13-00 гача ҳам йўллашингиз мумкин.

МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар иккинчи ўқишда тақдим этилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар.**

●**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида эса «Коммунал соҳада бозор муносабатларини шакллантириш ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз уйларининг сақланиши ва асралишини таъминлашлари борасида масъулиятини ошириш» мавзуида семинар ўтказилди.**

●**Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида хўжалик юритувчи субъектлар билан фуқаролар қарамоғида қорамоллар сонинигина эмас, балки зотдор моллар улушини ҳам кўпайтириш кўзда тутилган. Қорақалпоғистон Республикасида бу йўналиш бўйича биринчи қадам қўйилиб, Амударё туманидаги Манғит мол бозорида наслдор чорванинг дастлабки кимошди савдоси ташкил этилди.**

●**Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» стадионида «Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир» мавзуидаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Анжуманда Республикамизнинг таниқли эстрада хонандалари ва спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Улар ижросида инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнат ва мардликни тараннум этувчи қўшиқлар янгради, чиройли чиқишлар бўлди.**

●**2004 йилда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Интер-сок» қўшма корхонаси ўзининг юқори сифатли шарбатлари билан юртимиздаги «2005 йилнинг энг яхши маҳсулоти» совринига сазовор бўлди. Ўтган йили мазкур корхона жами 4 миллион литр маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу рақам 1,5 миллион литрга етди.**

ЖАҲОНДА

●**АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг Европа мамлакатларига беш кунлик сафари Грецияга ташриф билан бошланди.**

●**Кеча Непал пойтахти Катманду шаҳрида уч ҳафта давомида тўхтовсиз намойишларга чиққан ва иш ташлаган 100 мингга яқин киши демократиянинг қайтишини катта хурсандчилик билан байрам қилди. Зеро, мамлакат қироли Гьянендра тарқатилган парламент фаолияти қайта тикланишини билдирди.**

●**Мисрнинг Қизил денгиз қирғоғи бўйида жойлашган Даҳаб дам олиш масканида террорчилик ҳаракати содир этилди. Кетма-кет уч марта портлаш уюштирилиши натижасида 18 киши ҳаётдан кўз юмган, 85 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ушбу қабиҳ қўпорувчиликни амалга оширганликда гумон билан 10 киши ҳибсга олинди. Уларнинг айримларининг ҳужжатлари сохта эканлиги аниқланди.**

●**Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар халқаро кўргазмаси очилди.**

●**Буюк Британияда ҳам H5N1 парранда гриппи вируси топилди. Айни пайтда мамлакатда мазкур вируснинг кенг тарқалишига қарши уч ҳафтага мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Ҳукумат томонидан эълон қилинган баёнотда таъкидланишича, мамлакатнинг барча аҳолиси бепул эмланади. Ҳужжатда келтирилишича, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимлар биринчи навбатда вакцина билан таъминланадилар.**

●**Уч карра Олимпиада чемпиони Владислав Третьяк якдиллик билан Россия хоккей федерациясининг президенти этиб сайланди.**

●**Япониянинг «Ниссан» автомобил ишлаб чиқарувчи компанияси Санкт-Петербургда завод қуришни кўзламоқда. Бунинг учун Россияга 100 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади. Агар ушбу завод қурилиб, ишга тушадиган бўлса, йилига 20 мингта енгил машина ишлаб чиқариш имконияти туғилади.**

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 27 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-19, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА
UJMSHU

УЖМШ:

МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ МУЛКИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ЎТГАН ЙИЛ АПРЕЛДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ҲАМ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ ТУЗИЛГАН ЭДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА РЕЖАДАГИ ВАЗИФАЛАР, КЕЛГУСИ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ ҲАҚИДА УЮШМА РАИСИ БАҲОДИР ПОЁНОВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:







— Уюшмамиз иш бошлаган кундан ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйган бўлиб, — дейди Баҳодир Поёнов, — ана шунга асосан уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уй аъзолари ҳамда уй-жой мулкдорларининг умумий мулкини самарали бошқариш, улардан фойдаланиш борасида саъй-ҳаракат олиб бораяпмиз.

Айни пайтда бундан бир йил аввалги 45 та ўрнига 112 та ширкат фаолият кўрсатиб, улар 1306 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ширкатларнинг барчасига туман ҳокимлиги томонидан масъул ходимлар бириктирилган бўлиб, мавзеларда ташкилий-назорат ишларини олиб боришда уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, янги ширкатларни ташкил этиш даврида барча уйларнинг ҳолати ўрганиб чиқилди. Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли 151 минг нафар бўлиб, хонадонлар сони 60.438 тани ташкил этади. Ушбу уйларда 5203 та кириш йўлаклари мавжуд, 494 та лифт хизмат кўрсатади.

Тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида биринчи навбатда амалий ишлар бажарилиб, кўп қаватли уйлар ён-атрофлари тартибга келтирилди. Биргина кириш йўлаклари хусусида тўхталадиган бўлсак, шу кунга қадар режадаги 1734 та ўрнига 4602 таси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу режага нисбатан 245 фоизни ташкил этади. Албатта, бу борада туман ҳокимлиги, ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланиш баробарида яшовчиларнинг фаоллигини, мулкдорлик ҳиссини англаётганини таъкидлаш ўринли.

1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларнинг ўтган йилда 103 тасида мукаммал таъмирлаш адо этилган бўлса, жорий йилда 126 та уй мукаммал таъмирланиши учун 1 миллиард 418 миллион сўм молиялаштирилган. Иситиш мавсуми тугаши билан бу борадаги ишлар қизғин паллага кирди. Аҳолига қулайлик яратиш, кўп қаватли уйлар ён-атрофини обод этиш, орасталигини таъминлаш, чиройини очиш мақсадида мавзелардаги 3808 та гараж бўялди, 765 таси тартибга келтирилди. Уйлар кўркини бузиб, яшовчиларга халақит бераётган ноқонуний қурилмаларнинг 195 таси бузиб ташланди, алоҳида қурилган ўзбошимча қурилишларнинг 105 тасига барҳам берилди. Бу борадаги ишлар режа асосида давом эттирилмоқда.

Қарор ва ижро

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Ўтган йилда режадан анча ортиқ, яъни кўп қаватли уйларнинг 224 минг квадрат метр томи таъмирдан чиқарилишига муваффақ бўлинди, бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъмир учун керакли материаллар ажратилиши катта мадад бўлди. Жорий йилда 60 минг квадрат метр томни таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, бу иш 2006 йил 1 августгача тугалланиши учун ширкатларда ҳозирдан иш бошлаб юборилди.

Албатта, халқимизда «Қиш тайёргарликни ёқтиради» деган ажойиб ибора бор. Бунинг замирида, айниқса кўп қаватли уйлар учун, жуда катта маъно мужассам. Ана шуни тўғри англаган ҳолда 2006-2007 кузги-қишки мавсумга тараддуд эрта баҳордан бошланди. Ширкатларда режа асосида юқори сув босими остида қувурлар ювилмоқда, шунингдек, носозликлар аниқланган жойларда жорий таъмирлаш ишлари бажариляпти.

Ширкат ишларини тўғри ташкил этиш, аҳоли билан ишлашни янада жонлантириш мақсадида ширкат раислари учун ўқув семинарлари ташкил этилиб, ушбу фойдали анжуманлар уларнинг малака оширишларида катта аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятлар ҳар томонлама ўрганилиб ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Сирасини айтганда, ширкатлардаги уйлар сонининг камайиши аҳоли билан ишлаш учун қулайлик ва имкониятлар яратди. Бугун ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб яшовчилар ишончини оқлаш, улар билан доимо ҳамжиҳат бўлиш ширкатлар зиммасидадир. Уюшма эса бу борада ширкатларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ САҚЛАШНИНГ ЎЗИ НИМА? УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ҚАНДАЙ БОШҚАРИЛАДИ? УЙ-ЖОЙНИ БОШҚАРУВЧИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ҚАНДАЙ МАҚСАДДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ? АНА ШУНДАЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҚАНДАЙ САМАРАЛАР БЕРАДИ? ТАҲРИРИЯТИМИЗГА УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИДАН КЕЛАЁТГАН АНА ШУНДАЙ ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ МАҚСАДИДА БУГУНГИ САҲИФАМИЗДА БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДАМИЗ.

Уй-жой мулкдорлари унинг бутлиги ва сақланишини давлат меъёрлари ва стандартлари талаблари даражасида таъминлаш учун масъул бўлиб, ўзларига тегишли бўлган мулкнинг (кўп квартирали уйдаги хоналар ва умумий мулк) сақланишини ўз ҳисобидан таъминлашлари керак.

Уй-жой сақлашуни бошқариш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ҳамда уй-жойда яшаш ва ундан фойдаланиш, уй олдидаги ер майдонларидан, унинг ҳудудида жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан фойдаланиш каби ишларни қамраб олади.

Уй-жой фондини бошқариш— бу унинг бутлиги, зарур техник ва санитария ҳолатини, хавфсиз турмуш шароитини таъминлашга қаратилган фаолият бўлиб, уй-жойлар ва уй олдидаги ҳудудлардан фойдаланиш, уй-жойлар сақланишини молиявий таъминлаш, жумладан, маълум мақсадларга сарфланадиган харажатларни асослаш, хоналар мулкдорлари, ижарачилари ва ёлловчилари билан барча тўловларни (бадалларни) ҳисоб-китоб қилиш ва йиғиш каби масалаларни қамраб олади.

Хизмат кўрсатиш — мулкнинг зарурий техник ва санитария ҳолатини сақлаш бўйича бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар).

Таъмирлашлар — мулкнинг ҳолатини тиклаш ва яхшилаш бўйича бажариладиган ишлар.

Уй-жой фондини бошқариш алоҳида фаолият тури сифатида ўз ичига мулкни сақлаш бўйича мақсадларни белгилаш ва режалар тузиш, уларнинг ижроси бўйича чора-тадбирлар (ишлар) мажмуини уюштириш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, бажарилган ишлар ҳисобини юритиш ва назорат қилиш каби ишларни қамраб олади. Бошқарув қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- мулкка хизмат қилиш ва таъмирлаш ишларини бошқариш;
- молиявий бошқарув;
- маъмурий бошқарув.

Кўп квартирали уй-жой фонди хусусийлаштирилганидан сўнг ҳар бир кўп квартирали уй бошқарув объектига айланиб, унда мулкдорлар ўзларига тегишли квартиралар ва нотурар жойларни бошқариш учун, уй-жой мулкдорлари ширкати эса уйдаги умумий мулкни ва уй олдидаги ер майдонини бошқариш учун масъулдир.

Кўп квартирали уйдаги умумий мулкни бошқариш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

●уйдаги хоналар мулкдорлари орасидан сайланадиган бошқарув томонидан;

УМШ томонидан ёлланадиган, меҳнат шартномаси асосида иш юритувчи ёки УМШ билан хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома асосида иш юритувчи ҳусусий тадбиркор — жисмоний шахс бошқарувчи (ижрочи директор)томонидан;

●уй-жой мулкдорлари ширкати билан тузилган шартнома асосида иш юритувчи бошқарувчи ташкилот (юридик шахс) томонидан.

Уй-жойни бошқарувчи ташкилот — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилоти бўлиб, у уй-жой соҳасида мулкни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, давлат идораларидан ташқари ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар ташкил этилаётган тижорат юридик шахслар иштирокчилари (муассислари) бўлиши мумкин. Қонунчилик меъёрларининг тижорат юридик шахс муассислари таркиби, қарзлар юзасидан уларнинг масъулияти, устав фонди миқдори бўйича турли хил тижорат ташкилотлари учун белгиланган ўзига хос шартларидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув ташкилоти учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий шакл масъулияти чекланган жамият ҳисобланади.

Бошқарувчи ташкилот уй-жой мулкдорлари ширкати билан тузилган шартномага асосан кўп квартирали уйда умумий мулкни бошқариш бўйича хизмат кўрсатади. Бошқарувчи ташкилот исталган миқдордаги буюртмачилар мижозларга бошқарув хизматлари мажмуини ҳам, алоҳида хизматлари турини ҳам кўрсатиши мумкин.

Бошқарувчи ташкилот уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бошқарувчи бўлинмага эга бўлиши мумкин (яъни, ширкатларга бошқарув ва хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар мажмуасини бажариш).

Хизмат кўрсатувчи ташкилот — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлиб, у уй-жой соҳасидаги техник (ва санитария) хизматларини кўрсатиш ва мулкни таъмирлаш мақсадида тузиладиган тижорат ташкилотларидир.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот уй-жой мулкдорлари ширкати ёки бошқарув компанияси билан тузилган шартнома асосида уй-жойларга хизмат кўрсатиш (таъмирлаш) бўйича ишларни бажаради.

Уй-жой мулкдорлари ўз хоҳишига кўра кўп квартирали уйдаги умумий мулкни бошқариш ва хизмат кўрсатиш усулини танлаш, бошқарув вазифаларини бутунлай ёки қисман профессионал бошқарувчига/бошқарув ташкилотига/ топшириш, хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш, шартномавий асосда бошқарув хизматлари учун ҳақ тўлаш миқдори ва шаклини, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг қийматини белгилаш ҳуқуқига эга. Кўп квартирали уйдаги умумий мулкни бошқариш ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарор мулкдорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Бошқарувчини, бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларни танлаш уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан асосан танлов асосида амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда кўп квартирали уйларнинг умумий мулкини бошқариш асосан УМШ бошқаруви томонидан, хизмат кўрсатиш эса — УМШнинг штатидаги ходимлар томонидан амалга оширилмоқда.Кўпинча бошқарув раиси ва аъзолари зарур малакага эга эмас, хизмат кўрсатувчи ходимларининг эса ихтисослик даражаси паст бўлиб, шу сабабли уйларнинг сақланиши даражаси меъёрий ҳужжатлар талабларига ҳамда мулкдорлар манфаатларига жавоб бермайди.

Бошқарув вазифаларининг касбий тайёргарликка эга мутахассислар томонидан бажарилиши кўп квартирали уйларни сақлаш бўйича талаб этиладиган даражани таъминлайди, ана шу ҳолат уй-жой мулкдорлари томонидан амалга ошириладиган бошқарувга қўйсланганда бошқарувчини ёки бошқарувчи компанияни жалб этиш устуворлигини белгилайди. Ҳозирги кунда Тошкентдаги уй-жой мулкдорларининг кам қисми штатида ижрочи директор бор, аммо улар танлов йўли билан ёлланмайди ва кўпинча тўлиқ УМШ бошқарувининг ўрнини босади ҳамда уларнинг фаолияти уй-жой мулкдорлари томонидан назорат қилинмайди.

Яқин пайтгача йирик уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўплиги ва уларда бошқарув ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ходимларнинг мавжудлиги кўп квартирали уйларда бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хизматларга бўлган талабнинг шаклланишига йўл қўймас эди, оқибат натижада бозорда бу турдаги хизматларга бўлган талаб юзага келмади.

2005 йилда йирик УМШларни майдалаштириш бўйича қилинган ҳаракатлар ва айрим шаҳарларда бир уйли УМШлар сони ортгани бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хизматларга бўлган талабнинг ошишига қулай вазият яратади. Бир пайтда ҳам бошқарувчи, ҳам хизмат кўрсатувчи компанияларнинг пайдо бўлиши бир уйли ва кичик УМШларни зарур ҳолатда сақлашга имкон беради. Бундай УМШларга ўзининг штатидаги ходимларга эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан қулай эмас. Агарда кичик УМШлар ўзларининг бошқарув хизматларини бозорда танлов асосида хусусий тадбиркорларга ёки бошқарув ташкилотларига буюртирса, маблағлар сарфланиши самарадорлиги ортади, чунки рақобат шароитида тадбиркорлар/бошқарувчи ташкилотлар/ мижозларни мақбул нархдаги ва сифатли хизматлари билан жалб этишдан манфаатдор бўлади.

Хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига алоҳида фаолият турига ихтисослашган пудратчиларни жалб этиш уй-жойни рақобат нархида сифатли сақланишини таъминлайди.

Ихтисослашган бошқарувчиларга ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга хизматлар (ишлар) буюртирувчи бир уйли УМШларнинг ривожланиши мулкдорларнинг қарорлари қабул қилиш мустақиллиги ва уй-жойларнинг зарур ҳолатда сақланиши учун масъулиятининг ошиши билан биргаликда давом этади.

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ САҚЛАШ:
БОШҚАРУВЧИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОМПАНИЯЛАР

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИ

1.Умумий мулкка хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бошқариш:

●кўп квартирали уйда умумий мулкни инвентарь рўйхатдан ўтказиш (уйнинг конструктив элементлари, таянч ва тўсиқ конструкциялари, уйнинг муҳандислик тизимлари ва бошқа жиҳозларини);

●умумий мулкнинг техник ҳолатини кўрикдан ўтказиш;

●мулкнинг айрим объектлари (қисмлари) бўйича хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ишларини бажариш учун нуқсонлар далолатномасини ва бошқа турдаги техник ҳужжатларни тузиш;

●хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши устуворлигини (навбатини, муҳимлик даражасини) баҳолаш, айрим ишлар—таъмирлаш ишлари муддати кўчирилишини таҳлил қилиш;

●мулкни сақлаш бўйича йиллик ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

●техник ва санитария хизматларини кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича режа ва жадвалларни тайёрлаш;

●мулкка авария-диспетчерлик хизмати кўрсатилишини ташкиллаштириш;

●аҳолидан буюртма олинишини таъминлаш ва авария ҳолатларининг бартараф этилиши ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилишини уюштириш.

2.МАБЛАҒЛАРНИ БОШҚАРИШ:

●мулкни сақлаш режаларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш;

●УМШ даромадлари ва харажатлари сметалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

●айрим иш турлари, таъмирлаш ишларини бажариш бўйича сметаларни ишлаб чиқиш;

●мулкдорларнинг (уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг) мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаш учун мажбурий бадаллари миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;

●даромадлар сметасига мувофиқ равишда бадаллар ва тушумлар келиб тушишини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш;

●уй-жой мулкдорлари ширкатидаги хоналар мулкдорларининг мажбурий бадаллар ва тўловлари тўпланишини ташкил этиш;

●кечиктирилган тўловлар ва қарзларнинг келиб тушишини таъминлаш;

●УМШ, мулкдорлар учун даромадлар ва харажатлар сметаси бажарилиши бўйича ҳисоботларни тайёрлаш;

●хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича бажарилган ишлар учун тўловларни тасдиқлашга оид харажат ҳужжатларини текшириш;

●уй-жой мулкдорлари ширкатларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиш;

●уй-жой мулкдорлари ширкати учун солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ҳисоб-китоб қилиш;

●аудиторлик текширувларини ташкил этиш;

●мулкдан қўшимча даромадлар олиш учун фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

●УМШнинг бўш пул маблағларини сақлаш ва қўшимча даромад олиш мақсадида жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

3.МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ:

●давлат идораларида ва бошқа органларда уй-жой мулкдорлари ширкати номидан иш юритиш;

●хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича малакали ижрочилар, пудратчиларни излаб топиш;

●УМШларга ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича танлов (тендер) ўтказишда танлов ҳужжатлари тўпламини ишлаб чиқиш ёки уларни тайёрлашга кўмаклашиш;

●УМШ ходимлари учун лавозим йўриқномаларини ва ишларни бажариш бўйича топшириқларни ишлаб чиқиш;

●ижрочилар, пудратчилар билан ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича шартномалар лайиҳаларини ишлаб чиқиш;

●ижрочилар, пудратчилар томонидан шартномалар шартларининг бажарилишини назорат қилиш, бажарилган ишлари ҳажми ва сифатини баҳолаш;

●уй-жой мулкдорлари ширкати ва ҳар бир мулкдор учун мулкни сақлаш ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини бажариш бўйича ишлар режаларининг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ТРАНЗИТ ЮКЛАРИНИ ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДИДАН ТАШИБ ЎТИЛИШИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

— «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Қозоғистон темир жоли» компаниялари мутахассисларининг учрашувида ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари ҳамда давлатлараро юк ташишга оид ҳар икки мамлакат имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга тўсиқ бўлаётган муаммолар муҳокама қилинди, — деди «Қозоғистон темир жоли» компаниясининг масъул ходими Ориф Шодиев. — Ҳозирги вақтда компаниямиз томонидан темир йўллар орқали ташилаётган транзит юкларнинг 45 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади, — деди у.

Мазкур юкларни ташишда самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Ўзтемирйўлэкспедиция», «Олмалиқташқитранс», Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Валмека универсал С.А» каби ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Бундан ташқари, Ўзбекистондан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга ташиб ўтказилаётган рангли металл юкларнинг таннархини камайтириш учун имтиёзли тарифлар белгиланган.

О.Шодиев, «Қозоғистон темир жоли» компанияси томонидан 2006 йилда ҳам имтиёзли тариф ставкалари асосида транзит юкларни ташиш, юк эгалари билан бундан кейин ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш борасидаги ишлар давом эттирилишини таъкидлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон халқаро юк ташувчилар уюшмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати экспедиторлари «Қозоғистон темир жоли» компанияси фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифларини билдиришди. Хусусан, уларнинг фикрича, вагонларнинг бекор туриб қолишини қисқартиш, қўшни давлат божхона қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, мазкур давлат ҳудудидан ташилаётган юкларни расмийлаштириш бўйича божхона талаблари хусусида юк юборувчиларга ўз вақтида маълум қилиш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

- Белгиланган тартиб-қоидага мувофиқ, юкларни ташиш ставкаларига нисбатан камайтирилган коэффициентларни жорий этиш ва махсус транзит ставкасини белгилаш бўйича ариза-буюртма бир ой давомида кўриб чиқилади. Аммо, «Қозоғистон темир жоли» компанияси ўзбекистонликларнинг юклари бўйича ушбу муддатни қисқартиришни режалаштирди, - деди О.Шодиев.

«Туркистон-пресс»

Тадбиркорлик

ҚУЛАЙ ШАРТ – ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ— НОДАВЛАТ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИНИ КУЧАЙТИРИШДАН ИБОРАТДИР.

Шундай экан, иқтисодиётни бозор иқтисодиёти талаблари асосида янгича бошқариш тизимини яратиш ва янги бозор инфратузилмасини вужудга келтириш юртимизга иқтисодиётни чуқур ўзгартириш ва бозор муносабатларини шакллантириш асосида ривожлантириш имконини беради. Лекин бундай иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, энг аввало, бозор иқтисодиёти асоси, назарияси ва амалиётини чуқур ўрганишни тақозо этади. Шундагина мамлакатдаги янги иқтисодий ислоҳотларнинг кўзланган мақсадлари ва самарадорлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Айни пайтда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш учун ҳукуматимиз томонидан жуда қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда ушбу йўналишни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас, чунки бу соҳа яқин йиллар ичида иқтисодиёт таркибида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товар ва хизматлар билан тўлдиришда, халқнинг турмуш даражасини яхшилашда катта ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларни рағбатлантириш бўйича яратилган шарт-шароит туфайли Ўзбекистонда кейинги пайтда корхоналар сони 5,3 фоизга кўпайди, яъни 256300 тани ташкил этган. Шу жумладан саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар сони 2 фоизга, қурилишда 5,5 фоизга, қишлоқ хўжалигида 8,3 фоизга кўпайди.

Дарҳақиқат, давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган ишбилармонлар қатламини тайёрлаш, кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг юксак равишда равнақ топишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини ташкил этишда аниқ режа асосида иш юритиб, тадбиркорлик қоидаларига қатъий амал қилсагина, келажакда ўз ишини муваффақиятли давом эттириши мумкин.

Азима ХУДОЙҚУЛОВА,
Тошкент молия институти талабаси

РУС БОЛАЛАР КИНОФИЛЬМЛАРИ ТОШКЕНТДА

ТОШКЕНТДА ЎТАЁТГАН "РУС ЭРТАКЛАРИ КИНОДА" ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ТАНИҚЛИ РЕЖИССЁР АЛЕКСАНДР РОУНИНГ "МОРОЗКО" ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Кинофестивал иштирокчиларининг таъкидлашича, бу фильмда дўстлик, доимо яхшилик қилишга интилиш тараннум этилган бўлиб, Венецияда ўтган болалар кинофильмлари байрамида биринчи ўринни эгаллаган.

Режиссёр А. Роунинг ижоди ёш томошабинларга яхши таниш бўлиб, унинг "Ўлмас Кашей", "Диканька қишлоғи оқшомлари", "Қийшиқ кўзгулар салтанатида" каби ўндан зиёд фильмларини томоша қилишган.

"ЭКСЕЛЬСИОР" – ЯПОН КВАРТЕТ ДАСТАСИ


ТОШКЕНТДАГИ ИНСОН ЗАҲИРАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИДА КУНЧИҚАР МАМЛАКАТНИНГ «ЭКСЕЛЬСИОР" КВАРТЕТ ДАСТАСИ КОНЦЕРТ БЕРДИ.

Жамоа мазкур ойнинг охирига ча Ёшлар театрида, В. Успенский номидаги лицейда ва маданият масканларида маҳоратларини намойиш этишади.

Ўзбек-япон марказининг раҳбари Инаба Ясушининг сўзига кўра, мазкур квартет дастаси дастурида классик мусиқалар билан бирга замонавий япон бастакорларининг асарлари, халқ куй ва қўшиқлари ҳам ўрин олган.

"Туркистон-пресс"

Маҳалланг — ота-онанг







ЭНГ МУНОСИБ ОҚСОҚОЛ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАР САЙЛАНАДИ

«Тошкент» телерадиоканали ва «Оқшом» газеталари ҳамкорлигидаги давра суҳбати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қуйида ушбу давра суҳбати давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўринли маслаҳатлар билан таништириб ўтамиз.

• Маҳамаджон ДЕХКАНОВ, Чилонзор туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, туманда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси:

—Жорий йилнинг 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қарори эълон қилингандан кейин биз биринчи навбатда маҳалла оқсоқолларини йиғиб қарорни батафсил ўргандик. Бундан ташқари 2004 йил 29 апрель куни эълон қилинган «Маҳалла оқсоқоллари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг сайловларини қандай ўтказиш ҳақида»ги қонун ижроси бўйича оқсоқоллар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Шундан сўнг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш комиссияси тузилди. Унинг таркибига туман ҳокимлиги вакиллари, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият ва маърифат марказининг туман бўлимлари ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси ҳамда туманнинг ташкилий-назорат гуруҳи вакиллари кирди. Иш режаларини ишлаб чиқдик ва шунга мувофиқ ҳолда белгиланган тартибда қонунда кўрсатилганидек ҳудудимизда мавжуд бўлган 49 та маҳалланинг ҳар бирида ишчи гуруҳларини туздик.

Ишчи гуруҳлари маҳалла фаоллари кенгашининг қарори билан тасдиқлангандан кейин ўз фаолиятини бошлади. Биз сайловларга тайёргарлик кўриш, вакилларни сайлаб олиш, уларнинг нормаларини белгилаш ҳамда сайловларни бевосита маҳаллада ўтказиш бўйича керакли бўлган барча ҳужжатларни тайёрлаб маҳаллага топширдик. Шунингдек, олий ўқув юрти раҳбарлари, хусусан Тошкент Давлат юридик институти ректори, Сенат аъзоси М.Рустамбоев иштирокида икки марта семинар-тренинг ўтказилди. Бугунги кунда вакилларни сайлаш ва маҳалла оқсоқоллигига номзодларни кўрсатиш жараёни кетмоқда.

• Хайрулла МЎМИНОВ, «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Юртимиздаги ғоят муҳим, катта воқеа олдидан бизнинг маҳаллада ҳам қизғин ишлар олиб бориляпти. Ишчи гуруҳи айни кунларда маҳалламиздаги ҳар бир кўчада бўлиб мажлис ўтказиб вакилларни сайлашяпти ва оқсоқолликка номзодларни кўрсатишяпти. Албатта шу ўринда биз депутатлар ҳам қўлимиздан келганча ёрдам беришимиз, муносиб номзодларни сайлашда халқимиз ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришимиз, ўринли таклифларни айтишимиз керак.

Ишчи гуруҳи томонидан сайланган вакилларга гувоҳномалар берилиши керак, улар сайловнинг қаерда, қачон ўтишини яхши билишлари лозим. Эътиборга олиниши керакки, ушбу сайловларда вакиллардан ташқари фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин. Саноқ комиссиясига ёрдам бериш мақсадида сайлов вақтида овоз бериш учун маълум белгилар тарқатилиши керак. Айтиб ўтиш жоизки жаҳон андозалари даражасида ўтказилиши кутилаётган сайловга халқимиз жуда қизиқяпти, муносиб номзодлар кўрсатишмоқда.

• Садриддин ХИДИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти доценти:

—Мамлакатимиз улкан ижтимоий воқеа арафасида турибди. Зеро, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови катта воқеадир. Ушбу сайлов аввалгиларидан нимаси билан фарқланади, деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, бу сайлов 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун доирасида ўтказиляпти. Бу қонун бевосита сайлов ва сайлов билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Сайловнинг асосий принциплари қонунда кўрсатиб ўтилган. Бу демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи ва қонунда кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жинси, ирқи, қайси миллатга мансублиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар. Сайлов қонунчилигимизда фуқароларнинг иштироки ихтиёрий ва эркин деб кўрсатиб қўйилган. Бу халқаро ҳуқуқ нормаларида, қонунчиликда ўз ифодасини топган. Ҳеч ким сайловда иштирок этишга мажбур қилинмаслиги керак. 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш жоизки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар сайловда иштирок эта олмайдилар. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон бир тарзда, бевосита ёки билвосита чеклашга қонун йўл қўймайди.

Сайлов жараёнини ташкил қилиш ошкоралик, очиқлик принциплари асосида кўрсатиб ўтилганки бу албатта демократиянинг ўзига хос кўринишидир.

• Ихтиёр БЕКОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси:

—Бугунги кунда институтимизда 500 га яқин профессор, ўқитувчи ва талабалардан иборат гуруҳ иш бошлаган. Уларнинг асосий вазифалари маҳаллаларга бориб қонунларимизни ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдир. Улар нафақат пойтахтимизда, балки вилоятлардаги маҳаллаларда ҳам бўлмоқдалар. Фуқароларимизга сайлов тўғрисида янада тўлиқроқ тушунча бериш учун институтимиз томонидан саволжавоб тарзида қўлланма ҳам чоп этилди. Бундан ташқари кафедрамиз томонидан сайлов тўғрисидаги қонунга илмий шарҳ тайёрланмоқда. Яна институтимиз ўзининг Интернетдаги сайтида «Фуқаролар йиғини, сайлов — 2006» номли алоҳида сайтини очди. Мана шу сайтда сайлов бўйича ҳар кунги янгиликлар, институт томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар бериб борилади. Мазкур интернет-сайт орқали бутун дунёдаги ушбу сайловга қизиқувчилар ўзларини қизиқтирган маълумотларни ўзбек, рус, инглиз тилларида олишлари мумкин.

• Маҳамаджон ДЕХКАНОВ:

— Бир нарсани айтиб ўтишни хоҳлар эдимки, бу ҳолат олдинги сайловларда кузатилмаган. Аҳоли билан кенг тушунтириш ишларини тўғри олиб борганимиз сабабли, фуқаролар ушбу сайловга катта қизиқиш билдириб фаоллик кўрсатмоқда. Ўзимизнинг туманимиз мисолида оладиган бўлсак, 1130 та уйимиз бор. Ўтган йили Тошкент шаҳар ҳокимининг 535-қарорига мувофиқ барча маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда кўча бошилар ва йўлакбошилар сайланган эди. Бугунги кунда уларнинг ёрдамлари катта бўлмоқда. Яхши ишлаётган маҳалла оқсоқолини фуқароларнинг ўзлари яхши билишади, ҳозир шундай бўляптики, кўпинча аҳоли биз олдинги оқсоқол билан ишлаймиз, деган таклиф билан чиқишмоқда.

• Хайрулла МЎМИНОВ:

—Маҳалла жуда ноёб тизим. Хориждан бизга меҳмон бўлиб келаётганлар ҳам ушбу тизим фаолияти билан қизиқишмоқда. Хайратларини яширмай тажриба алмашишга ҳаракат қилишмоқда. Маҳалламизда номзодларни танлашда асосан обрў-эътиборли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ташкилотчилик қобилияти бор бўлганларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки бугунги маҳалла оқсоқолининг масъулияти жуда юқори. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, 7 йилдан бери оқсоқол сифатида фаолият кўрсатаётган бўлсам-да, лўнда қилиб айтганда маҳалла оқсоқоли вазифасининг сиру асрорига энди-энди тушуняпман. Нега деганда ҳаёт тажрибангиз ортгани сари кўпроқ, мукаммалроқ тушуниб бораверкансиз. Маҳалланинг оқсоқоли замон талабига жавоб берадиган, яхши ташкилотчи, тадбиркор, фуқаролар билан тил топишиш лаёқатига эга, муаммоларни биргаликда еча оладиган, элу юртига қайишадиган бўлиши керак. Шундагина маҳаллада тинчлик-тотувлик, хотиржамлик, ривожланиш бўлади.

• Раҳимжон НОДИРОВ, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси:

—Демак, бугунги суҳбатимиздан ҳам маълум бўлдики, наинки шаҳримизда, балки бутун республикамизда сайловларга катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Муносиблар ичидан энг муносибини танлаб олиш учун фуқароларимизнинг фаоллигини янада оширишимиз лозим. Демакки фуқароларнинг фаоллиги қанчалик юқори бўлса, қонунларимизни қанчалик чуқур тушуниб етсалар маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари этиб ҳар томонлама лойиқ фуқаролар сайланишига эришамиз ва келгусида она-Ватанимиз гуллаб-яшнаши, маҳаллаларнинг ободлиги, юрт ривожига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Бир сўз билан айтганда бугунги кунда ҳар бир хонадонга кириб борилиши керак, токи маҳаллада сайлов бўлаётгани, унда вакил бўлмаса ҳам ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкинлигини тушунтириш керак. Кейин биз маҳалла оқсоқолини 2,5 йилга сайлаймиз. Бу албатта жуда катта муддат бўлмаса-да, лекин кичик ҳам эмас. Чунки оқсоқол ўтган муддат ичида қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беради. Эътибор қаратиш лозимки, ўтган муҳлат ичида қайси томонга ривожланиш бўлди, ижтимоий, иқтисодий, ободонлаштириш каби йўналишлар бўйича қилинган юмушлар кўламига холис баҳо бериш керак. Агар ҳақиқатда оқсоқол жон-дили билан ишлаган, фидойи бўлса аҳоли уни кейинги муддатга сайлаши мумкин.

Шу ўринда бир нарсани эслаб ўтишни ўринли деб биламан. Хабарингиз бор 4 апрель куни Юртбошимиз шаҳримиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Хусусан, «Самарқанд дарвоза» маҳалласида қурилган маҳалла идораси, милиция таянч пунктларини кўриб, бу ишларга юқори баҳо бериб, «Маҳалла — камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора» дедилар. Ҳақиқатда маҳалла тизими Ўзбекистонда мустақилликдан кейин янада ривожланиб, унга катта эътибор қаратилди. Кундан-кунга давлат ва жамият олдидаги мавқеи тобора ортиб бораётган ушбу ўзини ўзи бошқариш тизимига муносиб номзодни сайлаш замон талабидир. Биз шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли талаб ва таклифларини ўрганиш учун Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси қошида мулоқот телефонларини ўрнатдик: 133-49-72, 139-05-08.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ушбу телефонлар орқали биз сизлар билан мулоқотда бўламиз, таклиф ва истакларингизни ижобий ҳал қилишга интиламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарийлар. Бугун ҳаётимиздаги муҳим жараён остонасида турибмиз. Биз унда қанчалар фаоллик кўрсатиб, муносиб номзодлар кўрсатишга эришсак сайланган оқсоқоллар ва маслаҳатчилар келгусида маҳалламизнинг ривожланиши, эл-юртимиз тинчлиги учун фидокорона меҳнат қиладилар, хайрли ниятларга йўлдош бўладилар.

Сайлов бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан таҳририятимизга қўнғироқ қилинг, мактуб ёзинг. Таклиф ва фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

ҲИНД КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ МАНМОҲАН СИНГҲНИНГ ЮРТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ АРАФАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ КИНО САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНД КИНО САНЪАТИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, санъатшунослар, кино ихлосмандлари иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбеккино» миллий агентлиги Бош директори А. Исҳоқов, Ҳиндистон Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Тайал ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқалар илдизи кўп асрлик тарихга эга эканлигини таъкидладилар. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу ҳамкорлик янги поғонага кўтарилди. Бугун Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бир ҳафта давом этадиган Ўзбекистонда ҳинд кино санъати кунларида намойиш этиладиган бадиий фильмлар томошабинларга ҳинд элининг қадимий ва бой маданияти, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, бугунги ҳаёти ҳақида атрофлича маълумот беради. Улар орасида ретроспектив фильмлар билан бир қаторда ҳинд киночилари яқинда суратга олган йигирмадан зиёд фильм бор.

Ўзбекистонда ҳинд киноси кунлари режиссёр Ратан Жаннинг «Гарам масала» («Аччиқ данак») фильми билан бошланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Таълим

МУСИҚИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

КУНИ КЕЧА «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА «ЗАМОНДОШЛАР» МАВЗУСИДА МУСИҚИЙ-МАЪРИФИЙ КОМПОЗИЦИОН БАДИИЙ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирни Тошкент Давлат юридик институтининг маъмурияти, маънавият ва маърифат бўлими, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликда ўтказдилар.

Тадбирда институтнинг давлат ҳуқуқий фаолият, фуқаролик ҳуқуқий фаолият, жиноят ҳуқуқий фаолият факультетларининг талабалари ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан барча йиғилганларга хуш кайфият улашдилар. Шунингдек, кечага ташриф буюрган иқтидорли санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари ҳам «Замондошлар» байрам кечасига файз бағишлади. Бу байрамни ўтказишдан мақсад, талабаликнинг олтин даврини янада мазмунли ва эсда қоларли тарзда ўтказишдан иборатдир.

МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА «МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кечани институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Дагар Расулов кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:» — Маънавияти бутун халқнинг истиқболи ёркин бўлади. Чунки маънавиятимиз замирида бугун ва эртамизнинг порлоқ келажаги мужассам. Ёшларнинг эътиқоди бутун бўлишида, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, эътибор билан қарашларида, маънавиятимизнинг нечоғлик юксак даражада шаклланишида уларнинг билим олаётган масканларининг ўрни беқиёсдир. Зеро, маънавият қалб гўзаллиги, ақл тарозуси билан уйғунлашган ҳолда гўзалдир. Бундай тадбирларни ўтказиб туриш эса институтнинг доимий анъаналаридан бирига айланиб қолган.

Кечада талабалар томонидан саҳналаштирилган кичик томошалар, дилрабо куй-қўшиқлар барча йиғилганларнинг қалбига хушнудлик бағишлади. Кунниг иккинчи ярмида талабалар Ўзбек Миллий академик драма театрига боришди.

МАҲОРАТ МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Маҳоратлар майдонда синалади» деб номланган илмий-адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада институтнинг профессор ўқитувчилари, талабалар иштирок этдилар.Талабалар ўз касбий маҳоратларини намойиш этиш баробарида санъат соҳасидаги актёрлик, дирижёрлик, фольклор, мусиқа, режиссура ва педагогик иқтидорларини ҳам намойиш этдилар.

Институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Абдуҳалил Мавруров раислигида тузилган ҳайъат аъзолари ёшларнинг изланиш ва интилишларини имкон қадар холисона баҳоладилар.

—Талабаларимизнинг истеъдодларини муносиб тарзда баҳоладик, деб ўйлайман дейди Абдуҳалил Мавруров. Улар бор имкониятларини ва иқтидорларини жуда чиройли намойиш этдилар, бундай кечаларни ўказиб туриш талабалар онгининг юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро зукколикка оид ўтказилган кечалар, уларни янада кўпроқ ўқишга ва ўқишга ундайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳакимлардан баъзиси шундай дейди: «Кўпчилик сенга, ёмонсан деса, демак ёмонсан, агар яхшисан деса, демак яхшисан».

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Яхшилик эт эмдики дастинг етар,
Яхши-ёмон ҳар наким қилсанг ўтар.

Саид ҚОСИМИЙ

Бировга яхшилик қилган бўлсанг, яхшилигингни айтиб, уни камситма, бировга ичирган ва едирганингни миннат қилиб, заҳарга айлантирма!

Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур,
Ёмон дўст сени йўлдан оздиради.
Ўзинг эзгу отли бўлайин десанг,
Ёмонга қўшилма, ҳушёр бўл, ўйла.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ёмонликка отланма,
Тилдан чиқар эзгу сўз.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Ёмон бирла умрни зое этма,
Куру найдан киши шаккар емиш йўқ.

Сайфи САРОЙИ

Эвазига нарса кутиб қилинган яхшилик ҳисобланмайди, балки у оддий олди-бердидан иборат холос.

Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар улуғ фазилат! Бироқ бу хайру эҳсон бегараз бўлса яна ҳам яхши!

Мурувват майдонининг шаҳсувори бўлай десанг, ғараз билан иш қилиб, эвазига бировдан фойда олишни ўйлама!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.

НАВОИЙ

Кима бир хизмат этсам айлагай ўрнига юз туҳмат,
Асалға заҳру, гул ўрнига сончар хор бир соат.
Кимаким ошнолиғ айладим изҳор бир соат,
Етар афғонки нодон дўстларнинг ихтилотидан.

Комил ХОРАЗМИЙ

Дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ яшайдиган нарса йўқ.

Инсон яхшиликнинг қулидир.

Яхшилиги кўп одамнинг дўстлари сероб бўлади.

Одамларни давлатинг етарли ва ишинг юришиб турганда эмас, балки камбағаллик ва ночорлик пайтингда сина, шунда уларнинг яхши ёки ёмон эканини биласан.

«ОТАЛАР сўзи»

Ҳаром билан ўсиб унган ҳар бир тан дўзахга лойиқдир.

ҲАДИС

Яхшиликни қанча катта қилсанг ҳам, уни шунча кичик деб бил.

Бировга яхшилик қилсанг, қилган яхшилигингни яшир, биров сенга яхшилик қилса, эл орасига ёй!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Одам ўлғон зебу зоҳирдин эмас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас.

***

Яхшилик қила олмасанг,
Бори ёмонлик ҳам қилма.

НАВОИЙ

Ҳар кишиким зулмдан ханжар чекар,
Даҳр ўзининг они бирла бош кесар.

ОРАЗИЙ

Кишини кўнгли келишган ва тартибли ҳар нарсага қизиқади, тартибсиз нарсалардан нафратланади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Яхшилик қилишга бўлмаса имкон,
Ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга!
Кўполликни ташла, лутфингни кўрсат,
Мусибат боқмагай нурли юзингга!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

СЎЗ, СЎЗЛАШ ҚОИДАСИ, ЎЙЛАБ ГАПИРИШ, ТИЛНИ ТИЙИШ, СУКУТ БАЁНИДА

Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар.

ҲАДИС

Доимо тўғри сўз бўлинглар, чунки у жаннатда яхшилик билан биргадир. Ёлғончиликдан сақланинглар, чунки у ёмонлик билан бирга дўзахда бўлади.

ҲАДИС

Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улуғ қасри устунларидан бири сўзлаш ва нутқнинг қимматбаҳо гавҳарини мулойимлик ва одоб пармаси билан тешмоқдир. Ахлоқ аркининг юқорисида ўтирувчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш ва чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёркин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбаҳо сўзлари донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳакимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади:

Ҳар киши гапирмай тургани замон,
Айб ила ҳунари бўлади ниҳон!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Бефойда сўзни кўп айтма,
Чин айта олур тилни ёлғонга булғама.

НАВОИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти маъмурияти ва жамоаси катта ўқитувчи Заҳро Фотиҳ қизи Илёсовага волидаи муҳтарамаси

Муяссар Ҳамидовна ИЛЁСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Танловлар

ҚЎШИҚ БИЛАН ҲАЁТ НУРАФШОН

ҚЎШИҚ ИНСОН ҚАЛБИНИ ЁРИТИБ, ХУШ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ, ЭЗГУЛИКЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ. ҚЎШИҚСИЗ ҲАЁТИМИЗНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. БУГУНГИ КУНДА САНЪАТСЕВАР ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА ИСТЕЪДОДЛИ САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ КЎПЛАБ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Санъатга меҳр қўйган иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республикамизда турли хил кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловида ҳам ёшлар орасидан жуда кўп санъатсеварлар, иқтидорли овоз соҳиблари аниқланмоқда. Айни кунларда пойтахтимизда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг туман босқичлари давом этмоқда. Куни кеча Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Яккасарой туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида мазкур танловнинг Яккасарой туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда тумандаги 10 та мактаб ва туман Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этдилар. Ўқувчилар ижросидаги она Ватан, дўстлик, меҳр-мурувват мавзусидаги ранг-баранг қўшиқлар, хоразмча, арабча рақслар, дуторчи қизлар дастаси ижросидаги мафтункор куйлар, хор жамоалари ижросидаги дилбар қўшиқлар йиғилганлар диққатини ўзига жалб этди. Бадиий жамоаларнинг ҳар бир чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланиб борди. Танлов сўнггида ғолиб жамоалар аниқланди. Иштирокчилар орасидан 118, 48,73,72,127,16,176-мактабларнинг бадиий жамоалари, ўқувчилар ижодиёти маркази аъзоларидан энг юқори балл тўплаган ғолиблар аниқланиб, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан эсдалик совғалари ҳамда Яккасарой туман Халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

—Ёшлар орасидан санъатга ихлоси баланд бўлган ўқувчиларнинг иқтидори ва маҳоратларини кўриб жуда хурсанд бўлдик, — дейди Яккасарой туман Халқ таълими бўлимининг Маънавият-маърифат ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Мавлуда Содирхонова. —Бундай танловларни ташкил этишдан мақсад ёшларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш, уларнинг санъатга бўлган иштиёқларини ошириш ҳамда кўмак беришдан иборат.

Ниҳоятда қизиқарли ва мароқли ўтган танловда ғолиб деб топилган ўқувчилар ва бадиий жамоалар «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Республика босқичига йўлланма олдилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичидан лавҳалар.

В.Зверянский олган суратлар





ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОН САРОЙИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИ АСАРЛАРИДАН ИБОРАТ БАДИИЙ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

Унинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Кўргазмадан кўзланган мақсад мазкур олий ўқув юрти талабаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий фаолиятини таҳлил этишдан иборат.

Унда рангтасвир асарлари билан биргаликда ҳайкалтарошлик, миллий каштачилик, миниатюра санъати, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларда изланаётган талабаларнинг ижод намуналарига ҳам кенг ўрин берилган. Кўргазма доирасида ўтказилувчи кўрик-танловда энг яхши ижодий иш соҳиблари аниқланади.

ЎзА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАЯНЧ МАСКАНИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАГИ 71-СОНЛИ «ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ПАТРОНАЖ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АЁЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ ТИББИЙ ИЖТИМОИЙ МАРКАЗ ШИФОКОРЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРИКДАН ЎТКАЗИБ, БЕМИННАТ ЁРДАМ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг кўчма «Амбуланс» бригадаси шифокорлари (УЗИ мутахассиси, терапевт, ўсмирлар гинекологи) Мирзо Улуғбек туманидаги 52 та маҳаллада бўлиб, жами 3455 та ёлғиз, кекса ва кам таъминланган оилаларни тиббий текширувдан ўтказдилар. Шулардан 2275 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 831 нафари қариялар, 754 нафари болалар ва 421 нафарини ўсмирлар ташкил қилади. Аниқланган касалликлар бўйича 701 оилага (жами 16686 кути) бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Бундан ташқари ҳафта давомида «Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш» борасидаги тиббий кўрик натижалари бўйича ҳисобот тингланиб, фикр-мулоҳазалар билдирилади. Тиббий кўрик давомида аниқланган касалликлар рўйхати олиниб, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига тақдим этиб, уларни соғломлаштириш ишлари назорат қилинади.

Адҳам УСМОНОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Футбол

ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ— ФИФА ТАШКИЛОТИНИНГ ЎТГАН ЙИЛИ ТЕРМА ЖАМОАЛАР ЎРТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ 61-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАНДИ.

Жорий йилги рейтинг жадвалида эса Валерий Непомняший шогирдларига 59- ўрин лойиқ кўрилди. Демак, Ўзбекистон терма жамоаси ўйинлари ФИФА халқаро ташкилоти мутасаддилари, мутахассислари эътиборини ўзига тортган ва футболчиларимизга 59- поғона лозим кўрилган.Рейтинг натижаларига кўра ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг икки поғона юқорига кўтарилганлиги юртимизда миллионлар ўйини тобора оммалашиб, ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Дарвоқе, Ўзбекистон терма жамоаси рейтинг натижаларига кўра Осиёда саккизинчи ўринни эгаллаган бўлса, МДҲ давлатлари орасида Россия ва Украина терма жамоасидан кейин учинчи ўринда бораётир.

СОЛИЕВ ЯНА МАЙДОНДА

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЎТГАН КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН 7-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ПЕШҚАДАМ ЖАМОА «ПАХТАКОР» МУХЛИСЛАРИ КЎНГЛИНИ ШОД ЭТДИ.

Ушбу турда тошкентлик футболчилар «Пахтакор» марказий стадионида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси билан куч синашишди. Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги турларда жиддий жароҳати туфайли майдонга туша олмаган моҳир ҳужумчи Анваржон Солиев шу куни «Пахтакор» ҳужумларининг шиддатли ва кескин тус олишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Меҳмонлардан маҳорат бобида тўлиқ устунлик қилган майдон эгалари 90 дақиқа мобайнида рақиб дарвозасига оз эмас, кўп эмас тўртта гол йўллашди. Биринчи голни Жепаров дарвозага киритган бўлса, Солиев уч марта дарвозабонни адашишга мажбур этиб, жамоасининг 4:0 йирик ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Шўртан» — 1:0, «Хоразм» — «Трактор» — 1:3, «Бухоро» — «Нефтчи» — 2:0, «Навбаҳор-Н» — «Самарқанд — Динамо» — 0:0, «Насаф» — «Локомотив» — 5:1.

Навбатдаги 8-тур беллашувлари 6, 7, 8 май кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Жиноятга жазо муқаррар

АВВАЛ «ШЕР» БЎЛИШДИ...

ЭРАЛИ ПОЙТАХТГА КЕЛИБ ТАНИШГАН ИНСОНИ ЮРА БЎЛДИ. УЛАР БИР ЗУМДА АПОҚ-ЧАПОҚ БЎЛИШИБ, РОСА УЛФАТЧИЛИК ҚИЛИШДИ. ҚУЁШ ҲАМ УФҚ ОРТИГА БЕРКИНДИ. ШУНДАН СЎНГ ЮРА УЛФАТИНИ УЙИГА ТАКЛИФ ҚИЛДИ.

Улар қолган танишув зиёфатини ўша ерда давом эттиришди. Ўзлариям бўккунларича ичишди. Сўнг донг қотиб ухлашди. «Кўр-кўрни қоронғуда топади», деганларидек икаласининг характерлари бир-бирларига тўғри келди шекилли, Эрали Юрадан шу ерда ижарада туришни сўради.

— Бемалол. Менинг дўстларимга уйим ҳар доим очиқ. Хоҳлаганча яшайвер. Барибир ҳаммамиз уйимизни ортмоқлаб кетмаймиз. Бу уй мендан ҳам қолади.

Шундан сўнг Эрали унинг уйида яшай бошлади. Улар эрталаб чиқиб кетиб, қош қорайганда кириб келишарди. Имкони борича қўлтиқларига биттадан ароқни қистириб келишни ҳам унутмасдилар. Кўп ўтмай Юранинг собиқ хотини ажралиб кетганларига қарамай яна эриникига қайтиб келиб, ҳеч нарса бўлмагандай яшай бошлади. Надежда эрининг кўзини шамғалат қилиб, Эралига суйкаларди. У ҳам пайт пойлаб, Юрага хиёнат қилди. Уй соҳиби буни сезарди, аммо индамасди...

Жазирама кунларнинг бирида Юра ишга боришни йиғиштириб ичкиликка зўр бера бошлади. Эрали эса бозорда ишлаб пул топди. Дўконга кириб икки дона ароқ ва егуликлар харид қилиб, ижарахонасига қайтди. Уни эшикдан Надежда қувноқ кайфиятда кутиб олди. Дарҳол қўлидагиларни олиб, музлатгичга жойлаштирди. Бироздан сўнг эшик кўнғироғи жиринглади. Эрали остонада танишлари Мусин ва Жорани кўрди ва уйга таклиф қилди. Ҳаммалари тун ярмигача ичиб ўтиришди. Меҳмонлар зўрға ўринларидан туриб уйларига қайтишди...

Ярим кечада эшикдан кириб келган Юра атрофга аланглаб уйда ҳеч кимни кўрмади ва музлатгичдаги Эрали олиб келган сосискаларни паққос тушира бошлади.

— Ҳой, номард! Музлатгични ёпиб қўй! Сосискалар сенинг пулингга келмаган? Нимага олдинг? — деди ичкаридан чиқиб келган Эрали.

Унинг гапларига Юранинг иштаҳаси бўғилди. Ўрнидан туриб стол устида турган ўқловни қўлига олди.

— Келгинди, уйимда турволиб, тилинг чиқдими? Сен ялангоёққа кўрсатиб қўяман! Улар шердек бир-бирларига ташланишди. Нималардир синди. Эрали Юранинг қўлидан ўқловни тортиб олди-да, унинг дуч келган ерига ура кетди. Бу шовқинни эшитиб, ётоқдан Надежда чиқиб келди. Уларга кўзи тушиши билан дарҳол Эралининг қўлига ёпишди. Шундан сўнггина у тинчланди. Хонасига кириб кетди. Бироздан сўнг ҳовуридан тушиб, ташқарига чиқмоқчи бўлди. Полда ётган Юра эса унга ташланди. Иккаласи бир-бирини аёвсиз тепкилашди. Юра полга гурсиллаб йиқилдию қайта ўрнидан турмади. Анча вақтдан сўнг иккаласи чиқиб, Юрани ваннага судраб олиб киришди. Нимагадир у миқ этмасди. Эрали унга яхшилаб разм солди-да кейин қўрқиб кетди. Чунки у кўкара бошлаганди.

— Надежда, у ўлиб қолганга ўхшайди, — деди у. Кейин ортига тисарилиб уйдан чиқди. Боши оққан томонга кета бошлади. Надежда эса нима қилишини билмай, қўшнисиникига чиқди. Унинг маслаҳати билан милицияга бу нохуш воқеа тўғрисида хабар берди.

"Доно билан юрсанг, доно бўласан, аҳмоқ билан юрсанг, расво бўласан" дейдилар. Икки нодон бир бўлиб, улфатчилик қилишди. Аввалига дўст тутинишди, кейин эса қадрдонлардек бўлиб кетишди. Елкаларига ўтирган шайтоннинг гапига кириб душман ҳам бўлишди.

"Аччиғинг чиқса ҳам, ақлинг қочмасин" деган гап топиб айтилган. Эрали бироз босиқлик билан иш юритганда эҳтимол бу нохуш фожеа келиб чиқмасмиди?

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Эрали ўйламай қилган иши учун ўн икки йил панжара ортида ўтирадиган бўлди.

Ифтихор НУРМАТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокурорининг ёрдамчиси,
Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Мунажжим башорати

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ОЧАСИЗ

27 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА
ОЙ ЯНГИЛАНАДИГАН ВА ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ИНСОНЛАР ҲАЁТИДА ҲАМ ЯНГИЛАНИШЛАР БОШЛАНАДИГАН, РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ТУРКУМИГА КИРИЛАДИГАН КУН БУГУН. РЕЖАЛАР ТУЗИШДА ДАВОМ ЭТИНГ, ФАҚАТ ЯХШИ НАРСАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАНГ – УЛАР АМАЛГА ОШАДИ.

Ўзингизни унча яхши ҳис этмаслигингиз мумкин. Лекин ишлар дам олиб, ўзингизни эркин қўйишингизга унча имкон бермайди. Ҳаёт гирдобига ўзингизни ташлаб, сиз фақат истаганингизга эришибгина қолмай, энг муҳим ишларингизда сезиларли даражада олдинга силжийсиз, ўзингиз учун янги истиқболларни очасиз. Ҳеч нарсадан хавотир олманг.

Эски ишларингизни ниҳоясига етказинг, қарзларингизни узинг, керакмас ортиқча буюм ва нарсалардан қутулинг. Кийим-кечаклар харид қилиш, уларни таъмирлаш, зеб-зийнатлар тайёрлаш билан машғул бўлишингиз мумкин. Уйда хоналарга исириқ тутатиб чиқинг, ҳаммом қилиб, покланиб олинг.

Агар бугун орқангиздан кучли шамол урилаётганини ҳис этсангиз ёки тасодифан ўз исмингизни эшитиб қолсангиз – бу омадингиз келишига ишора. Кийимнинг йиртилиши, тирноғингизнинг синиб қолиши ва тиззангизга сув тўкилиши йўқотиш ва нохушликлар белгиси ҳисобланади.

Бу кеча кўрган тушларингиз алдамчи ва қўрқинчли бўлиши ммкин. Лекин уларга эътибор қилишнинг ҳожати йўқ. Тушингизда одамлар товушларини ёки мусиқа овозини эшитсангиз – бу яхшиликка.

Бугун спиртли ичимликларни ичиш, гўштли ва ҳазми оғир таомларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Кийимлардан ёрқин, яшилликка яқин ранглардаги либослар ярашиқли ва омадли бўлади. Қора, кўк ва сиёҳранг кийимларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтларининг цирклари артистларининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 15.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6